



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic
**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON
TEACHING FOREIGN LANGUAGES
(TSUL ICON - FLT)**

Foreign languages department

Tashkent – 2021

**ИХАРА САЙКАКУ НАСРИЙ МЕРОСИДА “ЧЁНИНМОНО” –
“ШАҲАРЛИКЛАР ТЎҒРСИДАГИ КИТОБЛАР”**

Қосимова Гулнорахон Бахтиёржон қизи

*Тошкент давлат шарқишунослик университети Шарқ филологияси
ва таржимашунослик факультети “Шарқ мамлакатлари адабиёти ва
қийсий адабиётишунослик” кафедраси таянч докторанти*

nora.blackandwhite2012@yandex.ru

DOI 10.5281/zenodo.4963216

Аннотация: Мақола XVII аср япон адабиётининг атоқли насрнависи Ихара Сайкаку ижоди ва унинг қаламига мансуб “чёнинмоно” – “шаҳарликлар тўғрисидаги китоблар” туркумидаги асарлар бадияти масаласига бағишланган.

Калит сўзлар: Гэнроку даври, япон адабиёти, шаҳар адабиёти, Ихара Сайкаку, “чёнинмоно”, “Япониянинг боқий хазинаси”, “Дунёнинг ҳисоб-китоблари”

Японияда XVII аср мамлакатнинг тадрижий равишда ўрта асрлардан янги даврга ўтишни англатувчи мураккаб давр сифатида намоён бўлди. Мазкур даврда бошқа Узоқ Шарқ мамлакатлари каби япон ижтимоий ва маданий ҳаётида бир қатор янгиликлар, адабиётда муҳим силжишлар кузатилди. Хусусан, ички урушларда кичик ҳокимиятларга бўлиниб кетган Япония марказлашган давлат сифатида қарор топди, ўрнатилган тинчлик иқтисодий тараққиётни таъминлаб берди, йирик савдо шаҳарлари юзага келди, учинчи қатлам вакилларининг ижтимоий ҳаётда роли тобора ортиб борди. Шунингдек, барча қатлам вакиллари учун таълим олиш имконияти яратилди, аҳоли орасида саводхонлик ўсди, тижорат босмаҳоналари фаолияти йўлга қўйилди, натижада адабиёт тобора ўзининг элитарлик хусусиятини йўқотиб борди [1,13]. Буларнинг барчаси япон шаҳар маданияти ва адабиётининг шаклланишида асосий омиллар бўлиб хизмат қилди. Мазкур даврда нимаики янгилик яратилган бўлса, барчаси айнан ана шу учинчи қатламдан юзага келди. Улар яратган адабиёт япон адабиётида “чёнин бунгаку” яъни

“шаҳарликлар адабиёти” атамаси билан юритилади [2, 102]. Япон шаҳар адабиётининг ривожланиши “хайкай” шеърляти, “каназоши” ва “укиёзоши” насри ҳамда “кабуки” ва “нингё жёрури” каби театр турларини юзага келтирди. XVII асрнинг иккинчи ярмида, яъни насрнавис Сайкаку, шоир Башё, драматург Чикамацу, мутафаккир Хакусэки, рассомлар Моронобу ва Иччё каби етук иждокорлар фаолияти билан япон маданияти тарихида Гэнроку (1688-1704) номи остида машҳур бўлган даврда, Киото, Осака ва Эдо худудларида айниқса ўзининг юқори чўққисига етди.

1642 йилда туғилган ва 1693 йилда вафот этган, келиб чиқишидан Осакалик савдогарлардан бўлган Ихара Сайкаку (асл исми Хираямо Того). китобхонларни Гэнроку даврининг шаҳарлари ва уларда истиқомат қилувчи шаҳарликлар ҳаёти билан яқиндан танишишга имкон берувчи мазкур давр япон адабиётининг новатор насрнависи ҳисобланади. Сайкаку ёшлик чоғлариданоқ шоир-бадиҳагўй сифатида адабий доираларда машҳур бўлган [3, 112].

Сайкакунинг 1682 йилда нашр этирилган илк насрий асари 「好色一代男」 (“Муҳаббатга мубтало эркак”) романи китобхонларда катта таассурот қолдирди ва унинг қолган бошқа асарлари ичида энг катта шухрат қозонган асарга айланди. Адиб япон адабиётига илк бора асосий қаҳрамони шаҳзода, зодагон ёки жангчи-феодал эмас, балки оддий шаҳарлик бўлган асарни олиб кирди. У яна бир қанча турли хил мавзу ва характердаги, хусусан, ишқий, сеҳрли-фантастик, ҳарбий руҳдаги, суд ишлари билан боғлиқ детектив новеллаларни нашр эттирди. Умрининг охирига келибгина адиб шаҳарликларга қаратилган ва “чёнинмоно”, яъни “шаҳарликлар тўғрисидаги китоблар” дея таржима қилинувчи янги мавзу ва жанрдаги тарбиявий новеллаларни яратди [4, 103]. 「日本永代蔵」 (“Япониянинг боқий хазинаси”, 1688), 「世間胸算用」 (“Дунёнинг ҳисоб-китоблари”, 1692) ва бошқалар

Сайкакунинг ана шундай асарлар сирасига кирувчи новелла тўпламлари ҳисобланади. Бош қаҳрамонлари ҳам, мутолаа қилувчилари ҳам муаллифнинг замондошлари бўлган мазкур асарлар беқарор бу дунёда қандай қилиб фаровон ҳаёт кечириш мумкинлиги билан боғлиқ ҳаёт донишмандликларини ўзида мужассамлаштирган қизиқарли ва дидактик новелла тўпламларидир. Шу боис, уларда икки хусусият – биринчиси ҳудди ҳужжатлардагидек ажабланарли даражадаги аниқлик ва ишончлилик, иккинчиси эса панд-насихатга тўлалик ва ибратлилик мавжуддир.

Адибнинг мазкур туркумдаги новеллаларини қолган асарларидан ажратиб турадиган жиҳат, Гэнроку даври япон шаҳарлари маиший ҳаётининг ранг-баранг тавсилотлар билан тасвирланганлигидир. Уларда шаҳарликларнинг бутун ҳаёти ундаги ташвиши ва ўйин-кулгулари, иш ва байрам кунлари, эътиқоди ва иримлари билан биргаликда келтирилади. Сайкаку мамлакатнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг урф-одатлари ва расм-русумлари ҳақида ҳикоя қилади, ўз даврининг реал одамлари ва ҳақиқатда содир бўлган воқеа-ҳодисларни таъкидлаб ўтади. Кўчалар, кийимлар, пул бирлиги, маиший турмушнинг ҳар қандан тафсилотлари – бу каби даврнинг моддий белгилари унинг новеллаларида тўқима ва ҳақиқат бири-бирдан ажралмас бўлиб туюладиган фонни юзага келтиради. Адибнинг кўриш доираси ҳақиқатдан жуда ҳам кенг. У муваффақиятга эришган савдогарнинг ҳашаматли ҳонадони билан бир қаторда, қашшоқ одамларнинг фақирона кулбасини ҳам кўра олади. Унинг новеллаларида ҳақиқий кундалик ҳаёт можаролари, зиддиятлари асосан киноя ва ҳазил орқали очиб берилади.

Ўттиз икки новелладан иборат “Япониянинг боқий хазинаси” тўпламида адиб топқирлик ва қаттиқ меҳнати туфайли бойиб кетган қамбағаллар, лоқайдлик ва пулни бўлар-бўлмасга совуриш сабаб қасодга учраганлар ҳақида ҳикоя қилса, “Дунёнинг ҳисоб-китоблари” тўпламининг новеллаларида йил сўнггида қарзларидан халос бўла олмай, умидсизликка тушган одамлар ҳолати ёрқин тасвирланган. Икки тўплам образлар тизимидан ташқари, яна кўп

жихатдан муштарак. Уларни энг аввало умумий бир мавзу – шаҳарликлар ҳаёти, аниқроқ айтганда, учинчи қатлам ва унинг ижобий фазилатлари, ушбу фазилатларнинг фойдаси тўғрисидаги мавзу бирлаштириб туради. Адиб томонидан илгари сурилаётган меҳнат ва тежамкорлик ғояси ҳам бундан мустасно эмас. Асосида пул ва моддий жихатдан фаровонликка эришишга интилаётган инсон ўртасидаги тўқнашув ётувчи новеллаларда ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисалардан келиб чиққан ҳолда, мазкур ғоя ҳам ижобий, ҳам салбий мисоллар орқали ўз ифодасини топади. Ҳар бири бир неча саҳифадан ошмасида, шаҳарликлар тўғрисидаги новеллаларнинг композицион тузилиши жудда мураккаб ва кўп планлидир. Сюжет парчалари пейзаж тасвири ва муаллифнинг насиҳатомуз жумлалари билан навбатма-навбат келиб, улар билан ё ассоциациялар, ёки кескин контраст билан боғланади. Одатда, сюжет қисмидан олдин, узундан-уzun панд-насиҳатлар билан бошланадиган новеллаларида Сайкаку шаҳарлик китобхонларини жамиятдаги ўз мавқеига мос равишда тутишга ўргатади, кунт билан ҳалол ишлаш, тиришқоқлик ва тежамкорликка чақиради.

Ишнинг кўзини биладиган, уддабурон, тадбиркор ва бойликни кўпайтириш ҳақида қайғурадиган одам муаллиф ўз образлари орқали гавдалантиришга интилган идеал шаҳарлик бўлиб, у адиб даврининг ёш савдогарлар табақаси қизиқишларига жавоб беради. Сайкаку ушбу типик образни шаҳарликлар ҳақида китобларида аниқ шакллантира олган. “Япониянинг боқий хазинаси” тўпламидаги 「世界の借屋大将」 (“Бутун дунёдаги ижарачиларнинг генерали”) новелласининг бош қаҳрамони – ўткир зехнли ва тежамкор савдогар Фужиичи бунинг ёрқин мисолидир. Бой бўлишига қарамай, зодагонларга тақлид қилмаган ҳолда кичик бир уйда яшайдиган Фужиичи, нафақат ишларини оқилона юритади, балки қизининг савдогар хонадонига муносиб рафиқа бўла оладиган одам қилиб тарбияланишига ҳам катта аҳамият беради [5,57]. Бошқа новеллаларда мазкур

шаҳарлик – пахта савдоси билан шуғулланувчи Кускэ [5, 160-166], уддабурон балиқчи Гэннай [5, 71-75], савдогар кўлида иш ўрганувчи зехнли шогирд болакай ёки ҳаридорбоп маҳсулотни олдиндан арзонга ҳарид қилиб, вақти келганда яхши нархга сотиб фойда кўраётган қария аёл [5, 352-358] сифатида гавдаланади.

Шаҳарликларнинг ана шундай идеал образлари ва уларга хос ижобий фазилатлар мисолида учинчи қатлам вақилларига тегишли муносиб хулқ-атвор тамойиллари муаллиф томонидан етарлича аниқ шакллантирилган ва батафсил асосланган эди. Шундай бўлсада, Сайкаку-санъаткор Сайкаку-насихатгўй устидан ғалаба қозонади. Унинг ҳаёт тўғрисидаги билимлари бахтли тақдир ҳақидаги шаҳарликлар табақасига хос тасаввурларнинг тор доираларига сиғмайди. Тежамкорлик тамойилларини тарғиб қилиш билан биргаликда Сайкаку бир вақтнинг ўзида ҳар бир танга учун қалтирайдиган зикна одамларнинг гротеск образларини ҳам яратади. Киноявий жумлалар билан тўлдирилган ушбу турдаги образларнинг барчаси жонли, реал ва китобхоннинг хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Ихара Сайкаку асарларида XVII аср япон анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, ўша давр одамларининг ҳаётий қадриятларини ҳаққоний ва ҳеч қандай бўрттиришларсиз муҳрлай олган истедодли ижодкор, япон адабиётининг классик ёзувчиси сифатида ном қолдирди. Сайкакуга хос ўткир кузатувчанлик, қизиқувчанлик, барча гўзал нарсаларга нисбатан муҳаббат ва уларни маҳорат билан қоғозга тушира олиш қобилияти унинг асарларини XVII асрдаги японлар ҳаётидан гувоҳ берувчи ҳаққоний ва ҳаётий материалларга айлантирди. Шу боис, Сайкакунинг асарлари нафақат Япония адабий меросининг бир қисми, балки ўрта асрлар жамиятидан янги даврга ўтиш оралиғидаги давр тасвирларини ўзида мужассамлаштирган тарихий манба сифатида қимматга эга. Бундан ташқари, XVII аср японлар онгида юз берган муҳим ўзгаришларни акс эттирган



адибнинг насрий мероси ҳам бадиий асар, ҳам тарихий манба сифатида ўрганилишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Горегляд В.Н. Страна за захлопнутой дверью. — В кн.: Кирквуд К. П. Реннесанс в Японии. – М., Наука, 1988. – С. 13.
2. 秋山虔・三好行雄 (1983) 「日本文学史」文英堂. – P. 102.
3. Кин Д. Японцы открывают Европу. 1780-1830. М.: Наука, Главная редакция восточной литературы. 1972 – 208 с.
4. Shirane H. Early Modern Japanese Literature. An Anthology: 1600-1900. Columbia University Press, 2002. – 1690 p.
5. 井原西鶴 (著)・谷協理史・暉峻康隆・神保五弥(翻訳) (1996) 「新編日本古典文学全集 (68) 井原西鶴集 (3)」小学館. – 638 p.